

Мисвок билан ўқилган намоз



13:04 / 06.09.2020 2916

نَعُ، هُنَعُ هَلْ لَ اِي ضَرِّ دِلَاخِ نَبِ دِي زَنْعِ
لَا ق م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص ي ب ن ل ا
مُهُ تَرَمَ اَل ي ت م ا ي ل ع ق ش ا ن ا ا ل و ل
تُ رَّ ا ل و ا ل ص ل ك د ن ع ك ا و س ل ا ب
ل ي ل ل ا ث ل ث ي ل ا ا ش ع ل ا ل ا ل ص

تَأْوَلَّصَ لَأُدَّ شَيْءٌ دَلَّخٌ نُبُّ دُيَزَ نَاكَفٍ

وَنُدُّ أَيْلَعُ هُكَّ أَوْسَوٍ دِجَّ سَمَلَا يِف

الْبِتَّ الْكُلَّ نُدُّ أُنْمِ مَلَقْلَا عَضُومِ

هُدَّرٌ مُثَّ نَتُّ سَا أَلَّ إِهَالُ صَلَا أَيْلَا مُوْقِي

هُ أَبْحَاصَوٌ وَيْ ذِمُّ رَّتْ لَأَ هَاوَرٍ وَعَضُومِ أَيْلَا

Зайд ибн Холид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар умматимга машаққат бўлишини ўйламаганимда, албатта, уларни ҳар намоздан олдин мисвок қилишга амр этар эдим, Хуфтон намозини кечанинг учдан бирига суар эдим», дедилар.

Бас, Зайд ибн Холид розияллоҳу анҳу намозларга худди мирзалар қулоғига қалам қистириб олгани каби, мисвок қистириб олиб ҳозир бўлар эди. Қачон намозга турса, албатта мисвок қилар ва сўнг яна жойига қайтариб қўяр эди».

Термизий ва унинг икки соҳиби ривоят қилганлар.

Бу ҳадисда ҳар намоздан олдин мисвок қилишга ва иложи бўлса, Хуфтон намозини кечанинг охириги учдан бирида ўқишга тарғиб қилинмоқда.

Шу билан бирга, ҳадисни эшитгандан кейин унга қандай амал қилиш ушбу ҳадиснинг ровийси Зайд ибн Холид розияллоҳу анҳунинг мисолларида кўрсатилмоқда.

Ҳозир ҳам худди Зайд ибн Холид розияллоҳу анҳуга ўхшаб, мисвогини ўзи билан олиб юрадиган ва ҳар бир намоздан олдин мисвок қилиб оладиган мусулмонлар бор.

Баъзи уламоларимиз «Ҳар намоздан олдин мисвок қилиш вожиб», деганлар.

سُبَّانِ لَانَ عُهُنَّعُ هَلَلَا يَضَرُّ رَبَّاجُ نَعُ
لَاق مَلَسُو هِيلَع هَلَلَا يَلَصُ
نَمُ لَضُفَأُ كَأَوْسَلَابِ نَاتَعَكَّرُ
دَمُحَأُ هَاوَرُ كَأَوْسَرُيَغَبُ عَكَّرَ نِيغُبَسُ
سُبَّانُ طُقَرَادِلَاوُ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мисвок билан ўқилган икки ракат намоз мисвоксиз ўқилган етмиш ракат намоздан афзалдир», дедилар».

Аҳмад ва Дора Қутний ривоят қилганлар.

Шарҳ: Тишни ва оғизни тозалаб юришга бундан ортиқ тарғиб бўлмаса керак.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан